

Хорижий инвестицияларни жалб этиш агентлигининг

2023 йилдаги фаолияти бўйича таҳлилий ҲИСОБОТ

I. 2023 йилнинг январь-декабрь ойларида **Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги хузуридаги Хорижий инвестицияларни жалб этиш агентлиги** томонидан хорижий инвестор ва консалтинг компаниялари билан **49 та юзма-юз ва 13 та ВҚА** форматидаги учрашувлар ўтказилди. Шу жумладан, АҚШ, Буюк Британия, Истроил, Германия, Словения, Қатар, Эрон, Малайзия, Россия Қозогистон, Хитой, Сингапурлик инвесторлар билан ҳамкорлик алоқалари ўрнатилди ва учрашувлар ўтказилди:

– Қатарнинг “**Baladna**” компанияси билан биргаликда сут ва сут маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича инвестиция лойиҳасини (**500,0 млн АҚШ доллари**) амалга оширишга жалб этиш чоралари қўрилди. Ҳозирда мазкур компания ва Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ўртасида музокаралар давом этмоқда.

– Германиянинг “**Giersch**” ва “**ТЕС-Components**” компанияси билан “Технопарк” худудида электротехника маҳсулотларини ишлаб чиқариш лойиҳасини (**10,0 млн АҚШ доллари**) амалга ошириш бўйича меморандум имзоланди.

– Россиянинг кимёвий воситалар ишлаб чиқарувчи “**Грасс**” компанияси ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тайёрловчи “**Белая дача**” компаниялари билан Ўзбекистон Республикаси худудида инвестиция лойиҳасини амалга ошириш юзасидан музокаралар олиб борилмоқда.

II. Ҳалқаро ҳамкорлик бўйича Мисрнинг Инвестициялар ва эркин худудлар бўйича Бош бошқармаси ва Сингапурнинг “Enterprise Singapore” ташкилотлари билан **англашув меморандумлари имзоланди** ва келишувлар доирасида амалий чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Шунингдек, Ўзбекистон-Озарбайжон инвестиция фонди учун умумий қиймати **368,7 млн долларлик 15 та** инвестиция лойиҳавий таклифлари тайёрланди.

III. Ҳудудларни ўрганиш бўйича 4-7 январь кунлари Инвестициялар, саноат ва савдо вазири Л. Кудратов топшириғига асосан **8 та** ҳудудда Агентликнинг **12 нафар** ходими Ҳудудларда саноат салоҳиятини ривожлантириш, корхоналарга кўмаклашиш ҳамда саноат ишлаб чиқаришини кенгайтиришни таъминлаш юзасидан шакллантирилган ишчи гурухлар фаолиятида иштирок этилди.

Шунингдек, жорий йилнинг январь-сентябрь ойлари давомида **Фарғона**, **Сурхондарё**, **Самарқанд**, **Сирдарё**, **Қашқадарё**, **Хоразм**, **Андижон**, **Бухоро**, **Навоий** ва **Тошкент вилоятларида**, шунингдек **Қорақалпогистон Республикасида** Ўзбекистон Республикаси Президентининг худудларга ташрифи давомида берилган топшириқлар ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Боз вазирининг ўринбосари, Ташки савдо, инвестициялар, маҳаллий саноатни ривожлантириш ва техник жиҳатдан тартибга солиш масалалари бўйича Хукумат комиссияси раиси - Ж.Ходжаев раҳбарлигидаги Ишчи гурухлар фаолиятида, хусусан **2023** йилги ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлари ижроси бўйича таҳлилий материаллар тайёрлашда иштирок этилди, шунингдек ҳар бир шаҳар ва туман ҳокими томонидан ўз худудига **40-50 млн доллар** хусусий инвестиция олиб келиш ҳамда **4-5-тоифага киритилган туманларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш масалалари ўрганилди** ва Хукумат комиссиясининг тадбиркорлар билан учрашувларида иштирок этилди.

Самарқанд, Қашқадарё, Сурхондарё ва Андижон вилоятларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича жорий йил давомида таклифлар ишлаб чиқиши юзасидан Агентлик ишчи гурух билан ишлар олиб борилди.

IV. Инвестиция лойиҳа таклифларини тарғиб қилиш бўйича Ягона инвестиция порталига (*invest.gov.uz*) умумий қиймати **1,9 млрд АҚШ доллари миқдоридаги **57 та янги инвестиция лойиҳалари** (ҳокимликлар, тармоқ вазирлик ва идоралари ҳамда маҳаллий тадбиркорлар) жойлаштирилди.**

V. Республиканиг иқтисодий, ресурс ва инвестицион салоҳиятини кенг тарғиб қилиш бўйича, шу жумладан яратилган қулай шарт-шароитлар, хорижий инвесторларга бериладиган имтиёзлар, афзалликлар ҳақида республика худудида ва хорижда чет эл ишбилармон доиралари, дунёда таниқли компаниялар, инвестиция жамғармалари ва бошқа молиявий институтлар орасида тушунтириш ишлари олиб бориш ҳамда ишбилармон доиралар ўртасидаги инвестициявий ҳамкорликни жадаллаштириш мақсадида инвестиция ва бизнес форумлар, конференциялар, давра сұхбатлари, семинарлар ва бошқа тадбирлар ташкил этилди. Жумладан, жорий йилда **АҚШ, Буюк Британия, Германия, Чехия, Истроил, Грузия, Қатар, Италия, Эрон, Малайзия, Россия, Хитой, Сингапур, Озарбайжон ва Япония** каби мамлакат вакиллари иштирокида **30 дан** ортиқ тадбирлар ўтказилди ва иштирок этилди.

VI. Ходимлар малакасини ошириш бўйича чоралар кўрилди:

22-24 февраль – Агентлик ходимлари Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги **Статистика агентлигига** малака ошириш курсларида иштирок этилди.

13 ва **15** март – Агентлик учун “IFC” томонидан ташкиллаштирилган халқаро консультант Р. Хейзак тренинги ўтказилди.

30 март – Буюк Британия билан биргаликда Савдо билан боғлиқ инвестиция чоралари тўғрисида битим (TRIMs) бўйича халқаро экспертлар томонидан ўтказилган тренингда иштирок этилди.

19 ва **23** июнь – Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясида малака ошириш курсида иштирок этилди.

7-21 июнь – Хитой давлатида Халқаро бизнес вакиллари академияси томонидан ташкил этилган “Глобал ривожланиш ташабbusi доирасида саноат иқтисодиётини юқори сифат билан ривожлантириш” семинарида иштирок этилди.

VII. Ўзбекистон Республикаси Президентининг **2023** йил **21** июлдаги “Маъмурий ислоҳотлар доирасида инвестициялар, саноат ва савдо соҳасида давлат бошқарувини самарали ташкил қилиш чоратадбирлари тўғрисида”ги **ПФ-111-сон** Фармони билан тасдиқланган “Инвестициялар, саноат ва савдо соҳасидаги ислоҳотларни чуқурлаштириш ва тизим фаолиятини трансформация қилиш бўйича "йўл харитаси"нинг 2-банди ижросини таъминлаш мақсадида Хорижий инвестицияларни жалб этиш агентлиги тизимида “ягона дарча” тамойили асосида фаолият юритувчи **Инвесторлар маркази** ташкил этилди.

Шунингдек, “Ўзбекистоннинг ягона инвестиция портали”да (www.invest.gov.uz) “ягона дарча” тамойили асосида “онлайн” режимда **Марказ хизматларининг фаолияти йўлга қўйилди**.

Россия, Япония, Венгрия, Покистон, Италия ва бошқа давлатардан келган салоҳиятли хорижий инвесторларнинг давлат органлари билан учрашувларини ташкиллаштиришда ҳамда алоқа ўрнатишда қўмак берилди.

VIII. Маҳаллий тадбиркор ва хорижий инвесторлар мурожатига асосан тармоқ ва соҳалар инвестиция салоҳияти, инвестиция соҳасидаги қонунчилик, шу жумладан амалдаги имтиёзлар тўғрисида **25 та ахборот таҳлилий материаллар** ишлаб чиқилди.

IX. Вазирлик раҳбарияти ҳамда Агентлик иштирокида ўтказилган тадбирлар бўйича **23 та хабар ва мақолалар**, Республикализнинг инвестицион муҳитига тегишли масалалар бўйича **22 та янгиликлар** Агентлик веб-сайти, **LinkedIn** ва ижтимоий тармоқларда жойлаштирилди.